

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**“Фуқаролки ҳуқуқи ва фуқаролик процесси”
кафедраси**

Кафолатли ва компенсация тўловлари мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: Ўроқова К.
ТЕКШИРДИ: ю.ф.н. Исмоилов Ш.А.

Тошкент – 2014 й.

РЕЖА

I. Кафолатли тўловлар тушунчаси ва унинг турлари.

II. Компенсация тўловлари тушунчаси ва унинг турлари.

III. Хизмат сафарлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кафолатли тўловларнинг тушунчаси ва турлари

Кафолатли тўловлар - бу ходим қонунчиликда назарда тутилган узрли сабабларга кўра, ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаган вақт учун бериладиган тўловлардир. Бундай тўловларни жорий қилишдан кўзланган мақсад, асосан ходим давлат ва жамоат вазифаларини бажарган, шунингдек иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатлари ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилган даврда унинг ўртача иш ҳақини сақлашдан иборатдир. Айни вақтда бу каби тўловлар ходимнинг иш ҳақини камайтириб кетишдан сақлаш билан бирга кўрсатилган баъзи ҳолларда уни тўлдириш вазифасини ҳам ўтайди.

Кафолатли тўловларни асосан 3 та гуруҳга бўлиб қараш мумкин:

- 1) иш ҳақи ўрнига бериладиган кафолатли тўловлар;
- 2) ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, шунингдек иш берувчи ва меҳнат манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида бериладиган кафолатли тўловлар.

Биринчи гуруҳ кафолатли тўловлар қуйидагилардан иборат: а) меҳнат таътиллари даврида бериладиган кафолатли тўловлар (133, 136-моддалар). Бундай кафолатли тўловлар ходимнинг ҳақ тўланадиган асосий ва қўшимча йиллик меҳнат таътиллари даврида унинг ўртача ойлик маоши миқдорида берилади. Таъкидлаш жоизки, бундай кафолатли тўловлар Меҳнат кодексининг 149-моддасида кўрсатилган ижтимоий таътиллار даврида ҳам тўланади, чунончи:

-хомиладорлик ва туғиш таътиллари даврида (Меҳнат кодексининг 233-моддаси);

-болаларни парваришлаш таътиллари даврида (Меҳнат кодексининг 232, 234, 235-моддалари);

-ўқиш билан боғлиқ таътиллار даврида (Меҳнат кодексининг 252, 253, 254 ва 256-моддалари);

-ижодий таътиллари даврида (Меҳнат кодексининг 258-моддаси).

Бундай кафолатли тўловларга болани овқатлантириш учун белгиланган танаффуслар (236-модда), вояга етмаган шахсларга (243-модда), аёлларга қисқартирилган иш вақти (228¹-модда), камроқ ҳақ тўланадиган ишларга ўтказилганда икки ҳафта давомида, иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги сабабли вақтинча ҳақ тўланадиган бошқа ишга ўтказилганда иш ҳақи ўртасидаги фарқлар каби тўловларни (Меҳнат кодексининг 218-моддаси) ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 218-моддасига мувофиқ, ходим ўз ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этган, хомиладор аёллар енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилганда уларнинг ўртача ойлик маоши миқдорида кафолатли тўловлар назарда тутилган (Меҳнат кодексининг 226, 227-моддалари).

Иккинчи гуруҳ тўлов воситаси ишлаб чиқариш сабаблари билан боғлиқ бўлиб, улар бир қанча ҳолатларда тўланади. Жумладан: а)корхонада

ходимнинг бекор туриб қолинган вақти учун белгиланган кафолатли тўловлар, Меҳнат кодексининг 159-моддасига биноан бундай вақтда ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади; б) мажбурий прогул вақти учун тўланадиган иш ҳақи. Бу каби кафолатли тўловлар меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходим ишга тикланган ҳолларда муайян мажбурий прогул вақти учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида, ходим камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда эса муайян муддат учун иш ҳақлари ўртасидаги фарқи тўланади (Меҳнат кодексининг 111-моддаси).

Ходим иш берувчининг айби билан ишдан четлаштирилганда, шунингдек бошқа давлат органларининг айби билан ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ҳам худди шундай муайян давр учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланади (Меҳнат кодекси 113-моддаси).

қонунга номувофиқ ёзилган меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, ходимнинг илтимосига биноан ишга тикланмаган ҳолда, ўзгартирилганда ҳам худди шундай кафолатли тўловлар берилади (Меҳнат кодексининг 272-моддаси).

Меҳнат кодексининг 109-моддасида кўрсатилган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Учинчи гуруҳ кафолатли тўловлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтда, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида, ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда бериладиган кафолатли тўловлар ташкил этади.

Амалдаги қонунчиликка биноан, ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтда турли кафолатлар белгиланган.

Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида иш берувчи уни иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Бу даврда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади. Лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан камбўлмаслиги керак. Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатлари амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори (5-илова) билан белгиланган.¹ Мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларга стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтиш даврида ҳам ўртача иш ҳақи тўланади.

Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) унинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланади. Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қуйиш учун қон топширган куннинг эртасига, албатта, дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хоҳишига кўра иш

¹ ҚТ. 1997 йил, 3-сон, 11-модда.

берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида бажариладиган кафолатлар Меҳнат кодексининг 116-моддасида баён этилган.

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишларида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек бу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори корхонанинг жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов миқдори иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим. Мажбурий табиий кўриқдан ўтиш шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун юқорида қайд этилган кафолатлар берилади.

Меҳнат кодексининг 167-моддасига мувофиқ, ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда турли кафолатлар берилади. Жумладан, авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун қилинган ҳаракатлар даврида унинг иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори (5-илова) билан тасдиқланган.¹

Мазкур тартиб меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарувчи, шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширувчи ходимларга кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбаларини ва уларни беришни белгилайди.

Ходимлар томонидан давлат ёки жамият манфаатлари учун бажариладиган вазифалар:

сайлов ҳуқуқини амалга ошириш;

депутатлик вазифаларини бажариш;

тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;

суриштирувчи органлар, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолислар тариқасида чақирик бўйича бориш;

халқ маслахатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда иштирок этиш кабилардан иборат.

Ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатлар қуйидагилардан иборат: авариялар, табиий офатларнинг

¹ ҚТ. 1997 йил, 3-сон, 11-модда.

оқибатларини тугатиш; инсон ҳаётини сақлаб қолиш, қуйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳоллар.

Давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод қилиши шарт. Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек унинг жамият манфаатлари учун қилаётган ҳаракатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонунда белгиланган вақтдаги ёи тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳақи сақланади. Ходимларнинг давлат ёки жамият вазифаларини бажариш, шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиш вақтида уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаш билан боғлиқ харажатлар:

бюджет ҳисобидан-бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

хўжалик ҳисоби асосида-ҳисобот даврида амалда ҳисобланган кафолатли тўловлар миқдорида солиқ тўловлари суммасини камайтириш билан молиявий фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан қопланади.

Давлат бошқаруви органлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари бошқарув аппарати, шунингдек жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, молиявий таъминлаш манбаларидан қатъий назар, ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ кафолатли тўловлар ташкилотларнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 167-моддасида кўрсатилганидек, тиббий текширувдан ўтадиган кун ва қуйиш учун қон топширадиган кун ходимларга соғлиқни сақлаш муассасаларга боришларига иш берувчи монеликсиз руҳсат бериши шарт.

Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қуйиш учун қон топширган куннинг эртасига албатта, дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таътилга қўшиб берилиши мумкин.

Ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш барча ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йл 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби”га биноан амалга оширилади.¹

Таътиллار вақтига тўғри ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи 1 йил ишлаганларга шу ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни 12 дан бирга (6 ой тўлиқ ишлаганларга 6 дан бирга; 7 ой ишлаганларда 7 дан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани 10 дан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар,

¹ ҚТ. 1997 йил, 3-сон, 11-модда.

иш ҳақиға қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

қоидага кўра, ўртача ойлик иш ҳақи кейинги календарь ойдаги ойлик иш ҳақи юзасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, 2 ойгача бўлган муддатда иш қидириш (маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотномага мувофиқ 3 ой), шунингдек, касаллик даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли иш берувчи томонидан қопланиши лозим бўлган суммаларни ҳисоблаш тартиби Вазирликлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш варақалари бўйича тўловлар (нафақаларни ҳисоблаш) тартиби Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ дарс соатлари бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.¹

¹ ҚТ. 1997 йил, 3-сон, 11-модда.

Компенсация тўловлари тушунчаси ва унинг турлари

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига мувофиқ, ходимга хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларни бажариш вақтида қилинган харажатлар учун компенсация тўланади. Маълумки, хизмат сафарига юбориш тартиби, сафар муддатлари, ходимнинг сафар давридаги харажатларини қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан 1993 йил 19 апрелда тасдиқланган (28-сон, 497-и-1-01-сон) “МДХ мамлакатлари доирасидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома” билан тартибга солинади. Мазкур йўриқномага биноан иш берувчининг топшириғига мувофиқ ходимнинг хизмат топшириғини бажариш учун муайян муддатга доимий иш жойидан бошқа жойга бориши хизмат сафари деб аталади.

Корхонанинг бошқа ерда жойлашган филиали, участкаси ва бошқа таркибий бўлинмасига юборилиши хизмат сафари деб ҳисобланади. Чунки меҳнат шартномасида шартлашилган корхонанинг иш бажариладиган таркибий бўлинмаси ходимнинг доимий иш жойи бўлиб ҳисобланади.

Доимий иши йўлда ўтадиган, шунингдек сайёр, кўчма тусда бўлган ходимларнинг (масалан, йўловчилар ташийдиган поездлар, фуқаролик ҳаво транспорти ходимлари ва кабилар) хизмат тақозоси билан юриши хизмат сафари деб ҳисобланмайди. Ходимларни хизмат командировкасига юбориш иш берувчининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади ҳамда ходимга махсус равишда тасдиқланган шаклдаги хизмат сафари гувоҳномаси берилади. қоидага кўра хизмат командировкасининг муддати иш берувчи томонидан белгиланади, лекин унинг умумий муддати 40 кундан ошиб кетиши мумкин эмас, бу муддатга йўлда бўлган вақт кирмайди.

Монтаж қилиш, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун юборилган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафари муддати 1 йилга қадар белгиланиши мумкин, айрим ҳолларда эса бу муддат 2 йилга қадар узайтирилиши мумкин.

Хизмат сафарида бўлган вақтда ходимга ўша корхонадаги иш вақти ва дам олиш вақти режимлари жорий қилинади. Хизмат сафари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими), ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар қонун ҳужжатларида, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланади. қонунга биноан, хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги харажатлар тўлиқ миқдорда қопланади. Ходимнинг хизмат сафари давридаги харажатларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан 1993 йил 19 апрелда тасдиқланган инструкцияда кўрсатилган. Хизмат сафарида ва кўчиб иш билан боғлиқ ишларда қуйидагилар тўланиши лозим:

йўл кира харажатлари;

доимий турар жойдан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;

ходим томонидан иш берувчининг руҳсати ёки розилиги билан қилинган харажатлар (Меҳнат кодексининг 171-моддаси).

Бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланаши лозим:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар (Меҳнат кодексининг 172-моддаси).

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбоблар, техник воситалар ёки бошқа мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи хисобидан тўланиши лозим. Бу харажатларни тўлаш миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (Меҳнат кодексининг 173-моддаси).

Хизмат сафарлари

Хизмат сафаларни бериш ва қилинган харажатларни қоплашга оид энг муҳим ҳужжатлардан бири – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА бўлиб ҳисоланади. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 февралдаги 34-ф-сонли ва 1993 йил 16 августдаги 287-ф-сонли фармойишларига асосан ишлаб чиқилган ва мулк шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ташкилотларга тааллуқлидир.

Хизмат сафари деб, ишчини ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона раҳбарини фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиш) тушунилади.

Ташкилотни таркибига кирувчи филиаллар (шаҳобчалар), участкалар ва бошқа бўлинмалар бошқа ерда жойлашган ҳолларда доимий иш жойи бўлиб меҳнат шартномасида белгиланган ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳисобланади.

Доимий иши йўлда ёки кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган, ёхуд доимий ҳаракатланувчи тусга эга бўлган ишчиларни хизмат юзасидан бориб келишлари хизмат сафари ҳисобланмайди.

Ишчиларни хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотларни бошлиқлари томонидан амалга оширилади, буйруқ ва мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги сафар гувоҳномасини бериш билан расмийлаштирилади.

Ходимларни юқори ташкилотларга (бўйсунуш тартибида) хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотларни раҳбарларини чақириғига ёки улар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ишчиларни хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади ва ҳар бир ҳолат учун йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак.

Ушбу тартиб шунингдек ишчиларни тафтиш ва текширишларни ўтказиш учун хизмат сафарига юборишга ҳам тааллуқлидир.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун юбориладиган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассисларни хизмат сафарлари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Хизмат сафари муддатини узайтириш истисно тариқасида фақат хизмат сафарига юборган ташкилот раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан рухсат берилади.

Хизмат сафарига юборилган жойда ҳақиқатда ўтказилган вақт хизмат сафари гувоҳномасида хизмат сафари жойига келган кундан хизмат сафари жойидан кетган кун жойига белги қўйиш орқали аниқланади.

Ташкилотларда хизмат сафарларига кетаётган шахсларни ва ушбу ташкилотга хизмат сафарига келаётган шахсларни рўйхатга олиш мазкур Йўриқномани 2 ва 3-иловаларига биноан шакллардаги махсус журналларда юритилади. Ташкилотни раҳбари хизмат сафарларига юбориладиган, хизмат сафарига кетаётган шахсларни рўйхатга олиш журналинини юритиш ва хизмат

сафарлари гувоҳномасига белги қўйиш учун жавобгар бўлган шахсни буйруқ чиқариш йўли билан тасдиқлайди.

Хизмат сафарига чиқиш куни бўлиб транспорт воситасини 24 соатгача бўлган вақт, 00дан ва ундан кечроқ вақт - кейинги сутка ҳисобланади, келиш куни эса - транспорт воситасини доимий иш жойига келиш куни ҳисобланади.

Агар станция, соҳил (пристань), аэропорт аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса, станция, соҳил (пристань), аэропортгача етиб олиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олиш керак бўлади. Худди шундай тарзда ишчини доимий иш жойига етиб келадиган куни ҳисобланади.

Хизмат сафарида бўлган ишчиларга улар юборилган корхоналардаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари, бошқа дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди.

Агар ишчи атайдан дам олиш ёки байрам кунларида ишлаш учун хизмат сафарига юборилган бўлса, ушбу кунларда ишлагани учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ компенсация тўланади.

Агар ишчи маъмуриятни фармойишига биноан хизмат мажбуриятини бажариш учун дам олиш куниди хизмат сафарига кетса, унга хизмат сафаридан қайтгач белгиланган тартибда бошқа дам олиш куни берилади.

Хизмат сафарига кетиш ва хизмат сафаридан қайтиш кунларида ишга чиқиш масаласи маъмурият билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Хизмат сафарига юборилган ишчини хизмат сафарида бўлган муддатида ва йўлда бўлган муддатда иш жойи (лавозими), ишбайлар учун ўртача иш ҳақи ёки мансаб маоши ёки ишчиларни бошқа тоифалари учун ставкалари сақланиб қолади.

Хизмат сафарига юборилган ишчининг иш ҳақи унинг илтимосига кўра у юборилган корхонанинг счётига жўнатилади.

Ўриндошлик бўйича ишлаётган шахс хизмат сафарига юборилганда унинг ўртача иш ҳақи уни хизмат сафарига юборган ташкилотда сақланади. Агар хизмат сафарига бир вақтни ўзида ҳам асосий ҳам ўриндошлик иши бўйича хизмат сафарига юборилганда иш ҳақи ҳар иккала мансаб бўйича сақланади, хизмат сафарига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар эса хизмат сафарига юборувчи ташкилотларни ўзаро келишувига биноан тақсимланади.

Хизмат сафарига юборилган ишчига турар жой ижараси бўйича, хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади, шунингдек суткаликлар тўланади.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефонда гаплашиш, телеграф харажатлари ва бошқалар) хизмат сафарига юборилган шахсда ушбуларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тўланади.

Хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари хизмат сафарига юборилган шахсга қуйидаги миқдорларда қопланади:

умумий фойдаланиладиган транспортни барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати;

транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар;

йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш бўйича, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳақ тўлаш;

агар улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса, умумий фойдаланиладиган транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, соҳилгача (пристангача), аэропортгача етиб олиш харажатлари. Истисно тариқасида (кечки поезд, умумий фойдаланиладиган транспорт йўқ бўлган тақдирда) ташкилот раҳбарига таксида юрганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади.

Йўлда ўрин-кўрпа буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан ҳақ тўлашга қабул қилинади.

Йўл ҳужжатлари йўқ бўлган тақдирда корхона раҳбарига ҳар бир аниқ ҳолат бўйича хизмат сафарига юборилган ишчини йўл харажатларига ҳақ тўлаш масаласини ечиш ҳуқуқи берилади. Бунда, йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни авиада ташиш тарифларини 30%дан кўп бўлмаслиги керак.

Хизмат сафарида ва йўлда бўлган вақт учун суткалик харажатлар хизмат сафарига юборилган ишларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (республика бўйича ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффицентларда):

Тошкент шаҳрида, шаҳар ва вилоятлар марказларида - 0,1, бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда - 0,08. Ушбу кўрсатилган харажатларни қоплаш ҳақиқатда қилинган харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлашсиз амалға оширилади.

Хизмат сафари жойидаги турар жойни ижараға олиш бўйича харажатлар хизмат сафарига юборилган ишчини келиш ва кетиш кунлари бўйича ҳақиқатдаги харажатлар бўйича (люкс-номерли хоналардан ташқари), жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (жойларни бронлаш, дазмолдан фойдаланиш, сақлаш камерасидан, телевизор, музлатгич, идиш-товоқ, алоқа хизматидаи фойдаланиш)ға ҳақ тўлаш бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қопланади.

Агар, меҳмонхоналарни люкс-номерларида (хоналарида) яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда, турар жой хонасини ижараға олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номерни (хонани) қийматини 70% миқдорида амалға оширилади.

Турар жой хонасини ижараға олганликни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда, харажатлар ҳар бир сутка учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини 2% миқдорида қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ишчига шунингдек истисно тариқасида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳаво, темир йўл, сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортида бағажни олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ишчи ўзининг доимий иш жойига ҳар куни қайтиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда суткалик тўланмайди. Ишчини хизмат сафарига юборилган жойдан ўзининг доимий равишда яшайдиган жойига ҳар куни қайтиши мумкинми, йўқлиги хизмат сафарига юборган ташкилотни раҳбари томонидан масофанинг узоқлиги, транспорт алоқаси шароити, бажариладиган топшириқни туси, ишчи учун дам олиш шароитларини яратиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда очилади.

Хизмат сафари даврида хизмат сафарига юборилган ишчи вақтинчалик меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган ҳолларда унга умумий асосларда турар жой хонасини ижараси бўйича харажатлар қопланади (хизмат сафарига юборилган ишчи стационар даволанишда бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва унга соғлиғини ҳолатига кўра зиммасига юклатилган хизмат топшириғини бажариш имкониятига эга бўлмаган барча давр мобайнида ёки ўзининг доимий яшаш жойига қайтгунича, лекин икки ойдан кўп бўлмаган муддатга суткалик тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ишчини вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиши, шунингдек соғлиғини ҳолати бўйича ўзининг доимий яшаш жойига қайтиш имкониятини йўқлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган давр учун хизмат сафарига юборилган ишчига умумий асосларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари хизмат сафари муддатига қўшилмайди.

Хизмат сафарига юбориладиган ишчига хизмат сафарига кетишдан олдин мазкур Йўриқномани 10-12-бандларида кўзда тутилган миқдорларда суткалик, йўл харажатлари, турар жой хонасини ижарага олиш харажатлари чегарасида пул кўринишидаги аванс (бўнак) тўланади. Ишчи хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч кун мобайнида аванс (бўнак) ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарида ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларни бажариш учун хизмат сафарига юборилган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассисларга мазкур Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган меъёрлар бўйича икки ой мобайнида суткаликлар тўланади. Икки ойдан ортиқ муддатда хизмат сафарида бўлган вақт учун суткалик ўрнига иш ҳақи ёки мансаб маошига тариф ставкасини 50% миқдорида, лекин сутка учун мазкур Йўриқноманинг 11-бандида белгиланган меъёрдан юқори бўлмаган устама белгиланади.

Қуйидаги ишчилар монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган ҳолларда уларга суткалик ўрнига

тариф ставкасини ёки мансаб маошини юқорида кўрсатилган миқдорларда устамалар тўланмайди:

монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойда ишга олинган;

амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шартлар асосида бошқа жойга ўтказиш тартибида юборилган;

меҳнат таътилида бўлган вақтда, шунингдек сабабсиз ҳолда ишга чиқмаган кунларда;

улар томонидан монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойдан ташқарида давлат ёки жамоат ишларини бажариш вақтида;

монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажарилиши назоратини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган.

Суткаликлар ўрнига тариф ставкаси ёки мансаб маошидан фоиз миқдорида иш ҳақиға устама тўлаш ишчини монтаж, созлаш ва қурилиш ишларида иштирок этган ҳар бир календар кун учун амалга оширилади.

Тўлиқ бўлмаган ой учун кўрсатилган устамани ҳисоблашдан аввал устама тўлиқ ой учун белгиланади, сўнгра ушбу сумма мазкур ойдаги календарь кунлар сонига бўлинади ва ишчини монтаж, созлаш ва қурилиш ишларида бўлган кунлари сонига кўпайтирилади.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар бепул турар-жой билан таъминланиши мумкин. Бепул турар жой берилмаган ҳолларда, турар жой хонасини ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар мазкур Ўйриқноманинг 12-бандида кўзда тутилган меъёрлар бўйича қопланади.

Агар касал бўлиб қолган ишчи монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари олиб борилаётган жойдан ташқарида яшаса, у ҳолда иш ҳақи мансаб маоши ёки тариф ставкасига фоиз миқдоридаги устама тўланмайди.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар хизмат сафарлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка қатъий амал қилишлари керак ва ушбу мақсадларда сарфланадиган маблағларни тежаш режимиға риоя этилишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом"ға мувофиқ мазкур Ўйриқномада кўзда тутилган, хўжалик субъекти раҳбарини қарорига биноан ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимларини хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш фойдаға солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базаға ва жисмоний шахсни солиқ солинадиган даромадиға қўшилади.

Хизмат сафарлариға маблағларни сарфлаш устидан назорат молия органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу Ўйриқнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши билан келишилгандир.

Шунингдек, ходимларнинг чет элларга хизмат сафарига боришга оид норматив нормалар “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш ТАРТИБИ да белгилаб берилган. Мазкур Тартиб Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирликлар, идоралар ва бошқа республика органлари ходимларининг чет эл хизмат сафарларига боришини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 9 сентябрдаги 417-сон қарорининг 9-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда вазирликлар, идоралар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибини белгилайди.

Хизмат сафари харажатларига қуйидагилар киради:

- суткали харажатлар;
- яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар;
- транспорт харажатлари (таксидан ташқари);
- вакиллик харажатлари;
- кўзда тутилмаган харажатлар;
- мазкур Тартибга мувофиқ қопланиши лозим бўлган хизмат сафарининг бошқа харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарларига юборилганда суткали харажатлар ва яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар чет эл валютасида мазкур Тартибнинг 1-сон иловасида (кейинги ўринларда - 1-илова) кўрсатилган меъёрлар асосида тўланади.

Хизмат сафарига юбориладиган айрим тоифадаги шахсларга суткали меъёрларга қўшимчалар мазкур Тартибнинг 2-сон иловасига мувофиқ чет эл валютасида тўланади.

Суткали харажатлар хизмат сафаридаги ҳар бир кун, жумладан жўнаб кетиш ҳамда етиб келиш куни учун белгиланган меъёрларда 100% миқдорда чет эл валютасида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтиш куни хизмат сафарига юборилган шахснинг паспортида Ўзбекистон Республикаси чегара-назорат пунктларининг қўйган белгиси бўйича белгиланади.

Ходим икки ва ундан ортиқ хорижий давлатга хизмат сафарига юборилганда бир давлатдан бошқа давлатга ўтиш куни учун суткали харажатлар ходим ўтаётган давлатдаги суткали меъёрларнинг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Бир кунда хизмат сафарига бориб ўша куннинг ўзидаёқ қайтиб келиш холида суткали харажатлар суткали меъёрларнинг 50 фоизи миқдорида чет эл валютасида тўланади.

Чет элга хизмат сафарига борадиган ходимлар борадиган давлатларида қабул қилувчи томон ҳисобидан бепул овқат билан таъминланган ҳолларда суткали харажатлар суткали меъёрнинг 30 фоизи миқдорида (бошқа харажатлар учун) тўланади.

Қабул қилувчи томон бепул овқатланишдан ташқари ходимни шахсий эҳтиёжлари учун маблағлар билан таъминлаган тақдирда жўнатувчи томон суткали харажатларни тўламайди.

Ўқувчилар, студентлар ва муддатли хизмат аскарлари ўқишга юборилганда таклиф қилувчи томон уларни овқатланиш билан таъминлаши шароитида жўнатувчи томон суткали меъёرنинг 15 фоизи миқдорида маблағ тўлайди.

1-илованинг 5-устунида белгиланган меъёрлар бўйича суткали харажатлар:

- борган мамлакатлари ҳудудида хизмат сафарида бўладиган Ўзбекистон Республикасидаги ташкилотларининг чет элдаги муассасалари ходимларига;
- чет элга ишга юбориладиган ходимларга;
- чет элда 60 суткадан ортиқ (61-кундан бошлаб) хизмат сафарида бўлиш ҳолатида тўланади.

Агарда юқорида кўрсатилган ходимлар хизмат сафари муддати давомида бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга ўтса, уларга суткали харажатлар белгиланган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда 1-илованинг 4-устунида белгиланган меъёрлар бўйича чет эл валютасида тўланади.

Яшаш учун (турар жойни ижараси бўйича) харажатлар 1-илованинг 6-устунида белгиланган энг юқори меъёрлар ва мазкур Тартибнинг 5.6-бандига асосан уларга ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланган қўшимча тўловлар билан, агарда улар раҳбар томонидан белгиланган бўлса, ушбу харажатларни тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарти билан чет эл валютасида тўланади.

Яшаш учун (турар жойни ижараси бўйича) харажатларнинг якуний ҳисоб-китоби хизмат сафарига юборилган шахс томонидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар бўйича, қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда (агар улар мазкур Тартибнинг 5.6-бандига мувофиқ ташкилот раҳбари томонидан белгиланган бўлса), бироқ белгиланган меъёрлардан ортиқча бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Бунда яшаш учун (турар жойни ижараси бўйича) харажатлар ҳар бир сутка учун, хизмат сафарининг айрим кунлари учун ортиқча харажатларни ҳисобга киритмай тўланади.

Мазкур Тартибнинг 2-сон иловасига мувофиқ суткали харажатларга қўшимчалар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга яшашлари учун маблағлар мазкур мақсадлар учун белгиланган меъёрлардан қатъи назар ҳақиқий харажатлар миқдорида тўланади.

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра суткали харажатлар меъёрига қўшимча олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида кетаётган ходимларга яшаш учун маблағлар, шунингдек белгиланган меъёрлардан қатъи назар ҳақиқий харажатлар миқдорида тўланади.

Овқатланиш ва бошқа шахсий хизматлар (мини-барлар, кабель телевидениеси, кийимларни ювириш ва дазмоллатиш в бошқалар) учун

харажатлар суммаси, шу жумладан яшаш учун (турар жойни ижараси учун) счётларга киритилган харажатлар хизмат сафарига юборилган шахс томонидан суткалик ҳисобидан тўланади ва қопланмайди.

Мазкур Тартибнинг 5.2-бандида кўрсатиб ўтилган ҳукумат делегацияси таркибида хизмат сафарига кетадиган ходимларга чойшаб ва кийимларни ювдириш ва дазмоллатиш бўйича харажатлар қопланади.

Қабул қилувчи томон бепул турар жойни тақдим этганда ёки турар жойни ижараси учун харажатни қоплашга тегишли пул маблағини тўлаганда, хизмат сафарига юборилган шахсга яшаш учун (турар жойни ижараси учун) маблағлар тўланмайди.

Транспорт харажатларини қоплаш учун маблағлар ҳақиқий харажатлар бўйича уларни тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарти билан тўланади.

Вазирликлар, идоралар ва бошқа республика органларининг хизмат сафарига юбориладиган ходимлари ҳаво транспортида борганларида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК рейсларидан устувор фойдаланишлари лозим.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси рейсларидан фойдаланиш имконияти бўлмаслигининг асосланган сабаблари (белгиланган давлатга рейсларнинг бўлмаслиги, рейсларнинг хизмат сафари муддатига тўғри келмаслиги ва бошқалар) мавжуд бўлган айрим ҳолларда ташкилотларнинг раҳбарлари хизмат сафарига юборилаётган шахснинг ёзма муружаати асосида унга бошқа авиакомпанияларнинг рейсларидан фойдаланишга рухсат беришлари мумкин.

Транспорт харажатларини қоплаш учун маблағлар қўйидагича тўланади:

Хизмат сафарига юбориладиган шахслар - ташкилот раҳбарларига:

- ҳаво транспортида - биринчи, бизнес ёки иқтисодий тоифа тарифлари бўйича;

- темир йўл ва сув транспортида - 1-тоифа тарифи бўйича.

Хизмат сафарига юбориладиган шахслар - ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарларига:

- ҳаво тарнспортида - бизнес ёки иқтисодий тоифалар тарифи бўйича;

- темир йўл ва сув тарспортида - 1-тоифа тарифи бўйича.

Бошқа барча хизмат сафарига юбориладиган шахсларга:

- ҳаво тарспортида - иқтисодий тоифа тарифи бўйича;

- темир йўл транспортида - 2-тоифа тарифи бўйича;

- сув тарнспортида - сайёҳлик тоифаси тарифи бўйича.

Поездларда 2-тоифали вагонлар, кемаларда эса сайёҳлик тоифали каюталар бўлмаган тақдирда харажатлар 1-тоифа тарифи бўйича қопланади.

Осиё ва Африка мамлакатларига темир йўл траспортида бориш қиймати барча ходимларга 1-тоифа тарифи бўйича қопланади.

Агар улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса, (хорижий давлат ҳудудида) аэропорт, вокзал, соҳил (пристан)дан яшаш

жойигача бориш ва қайтишдаги йўл харажатлари тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда қопланади.

Айрим ҳолларда катта ҳажмдаги спорт анжомларига эга бўлган спортчиларга хорижий давлат ҳудудида юриш учун автомобилни ижарага олишга йўл қўйилади.

Шаҳар ичидаги транспортдан фойдаланганлик учун харажатлар ходимга суткали харажатлар таркибида қопланади. Ушбу мақсад учун ходимга суткали харажатлардан ортиқча қопланадиган суммалар фойда солиғига ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

Чет элга хизмат сафаридаги йўл харажатларини қоплашда шуни ҳисобга олиш лозимки, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ушбу тўловларни амалга оширишмаслик амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳамда амалга оширилган тегишли харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилиши лозим.

Вакиллик харажатларига вакилларнинг (қатнашчиларнинг) расмий қабули (нонушта, тушлик ёки шунга ўхшаш тадбирлар)ни ўтказиш, уларнинг транспорт таъминоти, маданий-кўнгилочар тадбирларга қатнашиши, музокаралар вақтида буфет хизматли ва маданий дастур тадбирларини кўрсатиш, ташкилот штатида бўлмаган таржимон хизматига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Вакиллик харажатлари тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар бўлганда, белгиланган тартибда давр харажатларига киритилади. Уларда учрашув (қабул)ни ўтказиш санаси ва жойи, дастури, таклиф қилинган шахслар, ташкилот томонидан иштирок этувчилар, харажатлар миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.

Кўзда тутилмаган харажатларга рейснинг кечикиши ёки ўзгариши, йўналишнинг, сафар дастурининг делегация раҳбари қарорига кўра ўзгартирилиши ҳамда бошқа форс-мажор ҳолатлар билан боғлиқ харажатлар киради.

Ҳукумат номидан музокаралар олиб бориш, битимларни имзолаш мақсадида, шунингдек халқаро ташкилотларнинг съездларида, ассамблеяларида иштирок этиш учун чет элга юбориладиган Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат делегациялари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга ҳам маблағлар ажратилади.

Кўрсатилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган делегациянинг сафар дастури тақдим этилганда 1000 АҚШ долларида кўп бўлмаган миқдорда тўланади ва Ҳукумат делегацияси аъзоларидан бирига ҳисобот топшириш шарти билан берилади.

Айрим ҳолларда кўзда тутилмаган ва вакиллик харажатлари миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллик харажатларига бериладиган маблағларни тасдиқланган меъёрлар доирасида амалга

оширадилар (вакиллик харажатларининг йиллик чегараланган миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун норматив Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9.04.1999 й.даги 166-сон қарори билан тасдиқланган). Чет эл валютасида олинган вакиллик харажатлари суммаларини миллий валютага қайта ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар ҳафтада эълон қилинадиган курс бўйича пул бериладиган кунда амалга оширилади.

Кўзда тутилмаган харажатлар ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар миқдорида фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилади.

Йўлқира, яшаш (тура жойни ижараси бўйича), суткали, вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатлардан ташқари ҳужжатлар билан тасдиқланган қуйидаги харажатлар ҳам қопланади:

- виза олиш бўйича;
- МДХ давлатларида вақтинча рўйхатга олинганлиги учун;
- борган мамлакатда чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш чоғида йиғим (фоизлар)ни тўлаш бўйича;
- 30 килограммгача бўлган юк учун тўлов (ходим бораётган транспорт турида бепул юк олиб кетиш меъёридан ортиқчасига);
- аэропорт, суғурта (фақат бораётган мамлакатига кириш учун мажбурий бўлган суғурта турлари), божхона ва воситачилик йиғимлари (кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар ва гастроллар ўтказилганда);
- конференция қатнашчиларини рўйхатга олиш йиғимлари;
- пуллик тўхташ жойлари хизматлари, автобензин олиш, юкни транспортда жўнатиш (фақат хизмат сафарига юборилган ҳайдовчилар учун) тўловлари бўйича;
- МДХ мамлакатларига борадиганлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (фармойишлари) бўйича “VIP” заллари орқали хизмат кўрсатиш.

Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда тегишли хизмат сафари харажатлари қопланмайди.

Ташкилотларнинг раҳбарлари 1-иловада белгиланган хизмат сафари харажатлари меъёрларига қўшимча тўловлар миқдорини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда ташкилотда чет эл валютасидаги кредитларни (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган ҳамда кафолатланмаган) сўндириш мажбуриятларидан, ипрорт контрактлари бўйича (товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича) чет эллик ҳамкорга ва бюджетга тўловлардан ортиқча хусусий валюта маблағлари мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилган қўшимча тўловларни тўлаш амалга оширилади. Кўрсатилган қўшимча тўловларни тўлаш, агарда қўшимча тўлов тўлашни белгиланган ташкилот юқорида келтирилган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар учун чет эл валютасини ички валюта бозоридан сотиб олган бўлса, амалга оширилмайди.

Суткали ва яшаш (турар жойни ижараси) учун харажатлар меъёрларидан ортиқ қўшимча тўловлар қоплаш қуйидагича амалга оширилади:

- бюджет ташкилотларида - уларни сақлаш учун смета бўйича иқтисод ҳисобидан;

- бошқа ташкилотларда - суткали ва яшаш (турар жойни ижараси) учун харажатлар меъёрларидан ортиқ қўшимча тўловлар ташкилотларнинг харажатларига олиб борилади ва фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилади. Бундан ташқари, суткали харажатларни қоплаш меъёрларидан ортиқ қўшимча тўловлар жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига киритилади (жисмоний шахснинг даромадига солинадиган солиқ бўйича ходимнинг маблағлари ҳисобидан).

Юқорида келтирилган харажатлардан ташқари, хизмат сафарига юборилган шахсга ишлаб чиқариш мақсадларида сарфланган қўшимча харажатлар (масалан, телефон сўздасхувлари учун) қопланиши мумкин. Ушбу харажатлар хизмат сафари топшириқларини бажариш учун зарур бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганидагина қопланиши мумкин.

Ходимнинг музокараларни бориши ва бошқалар тўғрисида раҳбариятга ахборот бериш мажбурияти хизмат сафари режа-топшириғида кўзда тутилган бўлиши лозим.

Хизмат сафари хусусияти бирор-бир қўшимча ишлаб чиқариш харажатларини (телефон сўзлашувлари, юкни олиб келиш, ҳужжатлардан нусха кўчириш ва бошқалар) назарда тутганда, ташкилот раҳбари томонидан ходимни хизмат сафарига юборилишидан олдин ушбу харажатларни қоплаш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) чиқарилади. Бунда ушбу харажатлар бундай буйруқ (фармойиш) ва тасдиқловчи ҳужжатлар (счётлар, квитанциялар) мавжуд бўлганда ҳўжалик юритувчи субъектнинг харажатларига олиб борилиши ва фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилмаслиги мумкин.

Ходимни хизмат сафарига юбориш учун ташкилот раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади ва сафар режа-топшириғи тасдиқланади.

Хизмат сафарига юбориладиган шахсга чет эл валютасида бўнак берилиши лозим.

Талаб қилиб олунгунга қадар депозит ҳисобварағидан нақд чет эл валютасини олиш учун ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатувчи ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- хизмат сафари харажатлари учун бўнак бериш ҳақида ариза;
- хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг фамилиялари, исм шарифлари, хизмат сафарига юбориладиган жой ва хизмат сафарининг муддати кўрсатилган хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқ нусхаси;
- ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланган чет эл валютасида олиниши лозим бўлган сумманинг ҳисоб-китоби;
- ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган сафар режа-топшириғи;
- таклиф қилаётган томоннинг мазкур сафарни молиялаш шартлари (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган хатлари, факслари ва телекслари нусхалари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори (фармойиши) нусҳаси (ҳукумат қарори бўйича жўнаб кетаётган шахслар учун).

Бунда ушбу ташкилотнинг штатида бўлмаган ходимлар учун ташкилотнинг валюта ҳисобварағидан маблағлар беришга йўл қўйилмайди (6.4-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

Ташкилотларда чет эл валютасидаги маблағлар бўлмаган ҳолда ташкилотлар чет эл валютасини ваколатли банклардан уларнинг чет эл валютасидаги хусусий маблағлари бўлган тақдирда сотиб олишлари мумкин.

Хизмат сафари харажатлари учун чет эл валютасини Ўзбекистон республика валюта биржасидан сотиб олиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (фармойишлари) бўйича кетаётган ташкилотларнинг ходимлари учун амалга оширилади.

Хизмат сафари харажатлари учун Ҳукумат делегациялари таркибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бўйича кетаётганлар учун чет эл валютасини сотиб олишга талабнома делегация раҳбари ишлайдиган ташкилот томонидан тақдим этилади.

Ҳукумат делегациялари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича кетаётганлар учун Ўзбекистон республика валюта биржасида хизмат сафари харажатларига бериладиган конвертацияланган маблағлар делегациянинг барча аъзолари учун делегация раҳбари ёки унинг расмий вакилига берилади.

Хизмат сафари харажатлари учун чет эл валютасини сотиб олиш учун талабномаларга мазкур Тартибнинг 6.2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Бунда ваколатли банклар хизмат сафари харажатлари учун валюта суммаларини сотиб олишга учун тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигига жавобгар бўладилар.

Мазкур Тартибда белгиланган доирада ходимларга тўланадиган харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ ҳақиқатда амалга оширилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган мақсадли харажатлар (5.5-банд ва 5.7-банд) жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига (жисмоний шахснинг даромадига солинадиган солиқ бўйича) киритилмайди.

Бўнак ҳисоботи ташкилот бухгалтериясига хизмат сафаридан қайтиб келингандан кейин 3 иш кунидан кечиктирмай бўнак олинган валютада тақдим этилади.

Хизмат сафари натижалари бўйича якуний ҳисоб-китоб ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар бўйича, белгиланган меъёрлар ва қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар ҳафтада эълон қилинадиган курс бўйича бўнак ҳисоботини қабул қилиш кунига амалга оширилади. Сўм курсининг чет эл валютасига нисбатан жорий ўзгаришидан юзага келадиган курсдаги фарқлар ҳисобда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Бўнак ҳисоботида кўрсатиладиган барча харажатлар тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан, шунингдек ташкилотнинг раҳбари томонидан ҳам тасдиқланган бўлиши керак.

Вакиллик харажатлари бўйича алоҳида ҳисобот тузилади. Унга хорижий тилдан таржима қилинган ҳужжатлар, барча сотиб олинган маҳсулотлар ҳақидаги ҳисобот илова қилиниши керак.

Ҳисобот делегация раҳбари томонидан тасдиқланади, ташкилотлар бўйича эса жавобгар шахс томонидан имзоланади ва ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ҳукумат делегациялари хизмат сафарлари харажатлари учун маблағлар ажратилганда хизмат сафаридан қайтиб келингандан кейин уч кун ичида Молия вазирлигига амалга оширилган харажатларни рамиёй тасдиқловчи ҳужжатлар (счётлар, квитанциялар, йўл чипталари ва бошқалар) илова қилинган ҳолда батафсил ҳисобот тақдим этилади.

Вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга ажратилган маблағларнинг ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда делегация раҳбари томонидан тасдиқланадиган ва делегация аъзолари томонидан имзоланадиган, ташкилотлар бўйича эса - жавобгар шахс томонидан имзоланадиган ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган ишлатилган харажатларнинг рўйхати кўрсатилган далолатнома тузилади.

Транспорт харажатлари, турар жойни ижараси учун, вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга берилган чет эл валютаси тўлиқ ёки қисман ишлатилмаган ҳолда сумма (қолдиқ) ташкилотнинг кассасига кейинчалик 2 (икки) банк куни ичида ваколатли банкка топшириш учун қайтарилиши керак.

Агарда чет эл валютаси Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида сотиб олинган бўлса, ташкилот бир вақтнинг ўзида ваколатли банкка белгиланган тартибда ишлатилмаган валюта маблағларини сотишга талабнома беради.

Сарф қилинган харажатларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигига жавобгарлик делегация раҳбарига ёки жавобгар шахсга юклатилади.

Хизмат сафарига борган шахс хизмат сафари харажатлари учун нақд чет эл валютасида берилган бўнак бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган ортиқча харажатга йўл қўйганда, хизмат сафарига юборилган шахс олдида бўлган қарз суммаси унга тегишли суммани нақд чет эл валютасида ёки унинг сўмдаги эквивалентида бўнак ҳисоботи кунига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар ҳафтада эълон қилинадиган курс бўйича бериш йўли билан қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимларга тўланиши лозим бўлган қарз суммаси ушбу Тартибда белгиланган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ташкилотнинг ҳисобварағидан ходимларнинг ортиқча харажатларини қоплашга маблағларни олиш учун ташкилот томонидан ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- маблағларни беришга ариза;
- ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланган хизмат сафарига юборилган шахснинг бўнак ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси ташқарисида хизмат сафарига юборилган шахснинг харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- қопланиши лозим бўлган сумманинг ҳисоб-китоби.

Юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилмаганда, шунингдек талаб қилинаётган сумма ҳақиқатда амалга оширилган харажатларга мос келмаганда, мазкур Тартибнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатадиган ваколатли банкнинг ҳисобварағидан қоплаш учун маблағлар берилмайди.

Мазкур Тартиб чиқиши билан қуйидагилар ўз кучини йўқотади:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 5 январда 18-сон билан рўйхатдан ўтказилган Давлат бошқаруви ва бюджет ташкилотлари ходимларининг хизмат сафарларига Республика валюта жамғармасидан маблағлар ажратишнинг вақтинчалик тартиби;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1994 йил 30 мартда тасдиқланган Давлат бошқаруви ва бюджет ташкилотлари ходимларининг хизмат сафарларига Республика валюта жамғармасидан маблағлар ажратиш тартиби;

- Давлат бошқаруви ва бюджет ташкилотлари ходимларининг хизмат сафарларига Республика валюта жамғармасидан маблағлар ажратиш тартибига 1997 йил 29 декабрдаги 1-сонли қўшимча;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1993 йил 30 ноябрда 93-сон билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини хорижий давлатларга хизмат сафарига юборишда хизмат сафари харажатларининг хорижий валютадаги меъёрлари;

- 1993 йил 30 ноябрдаги 93-сонли Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини хорижий давлатларга хизмат сафарига юборишда хизмат сафари харажатларининг хорижий валютадаги меъёрларига 1997 йил 27 январдаги қўшимчалар;

- Молия ва Меҳнат вазирликларининг 1993 йил 19 апрелдаги 28-сон ва 497/И-1-01-ссонли МДХ мамлакатларига хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқномаси, МДХ мамлакатлари бўйича тўловлар меъёрлари қисмидаги ўзгартиришлар билан;

- Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 14 ноябрдаги 304-01-06/309-83-сонли "Молия вазирлиги ва Бош давлат солиқ бошқармасининг 1993 йил 3 майдаги 31/23-сонли хатининг 1 ва 2-иловаларига ўзгартиришлар ҳақида"ги қўшма хати;

- Молия вазирлигининг 1993 йил 29 декабрдаги 64-сонли ва Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 22 декабрдаги 1329/11-сонли қўшма хатининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарларига тегишли қисми;

- Молия вазирлигининг 1994 йил 27 июндаги 64-сонли ва Меҳнат вазирлигининг 1994 йил 27 июндаги 488/03-1-сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 29 декабрдаги 92-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 22 декабрдаги 1329/11-сонли хатига хизмат сафарлари харажатларини тўлаш масалалари бўйича қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қўшма хати;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1996 йил 12 январда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларига маблағларни бериш тартиби.

Тартибга 2-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарларида чет эл валютасидаги меъёрларга қуйидаги қўшимчалар белгаланган:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига - 30% миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосарига, Қарақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Президент аппарати давлат маслаҳатчиларига - 25% миқдорида;

- вазир ва лавозими бўйича унга тенглаштирилган шахсларга, Олий Мажлис секретариати бошлиғига ва секретариат бошлиғи ўринбосарига, қўмита ва комиссия раисларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бўлим мудирига, Ўзбекистон Республикаси элчиларига, Ўзбекистон Республикаси вакилларига, Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, Президент аппарати давлат маслаҳатчилари ўринбосарларига, Президент аппарати бош маслаҳатчисига, Президент аппарати ишлари бошқармаси бошлиғига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига - 20% миқдорида;

- вазир ўринбосарлари ва лавозими бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси муҳбир-аъзоларига, қўмиталар ва Олий Мажлис комиссияси раиси ўринбосарларига, Қарақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарларига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарларига, Президент аппарати ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосарларига - 15% миқдорида.

